SHU AZIZ VATAN – BARCHAMIZNIKI!

O'ZBEKISTON OVOZI

• 2016-yil, 16-iyul. Shanba • 83 (32.142) Ijtimoiy-siyosiy gazeta • 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan • www.uzbekistonovozi.uz

ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 15 июль куни Оқсаройда Халқаро ҳаваскор боксчилар уюшмаси (AIBA) президенти Чинг-Куо Вуни қабул қилди.

Чинг-Куо Ву AIBA Ижроия қўмитасининг Тошкентда ўтаётган мажлисида иштирок этиш учун мамлакатимизга ташриф буюрди. Мазкур спорт форуми Халқаро ҳаваскор боксчилар уюшмаси учун Бразилияда бўладиган Олимпия ўйинларига тайёргарликнинг якуний босқичи ҳисобланади.

Давлатимиз раҳбари меҳмонни самимий қутлар экан, AIBA ва унинг раҳбари Чинг-Куо Ву ўзининг муносиб хизмати билан дунёда кенг тарқалган боксни ва, умуман, Олимпия ҳаракатини ривожлантиришга катта ҳисса қўшаётганини алоҳида таъкидлади.

Ушбу нуфузли халқаро ташкилот Ижроия қўмитаси мажлисининг Тошкентда ўтказилаётгани муҳим воқеа бўлиб, бу жаҳон спортида Ўзбекистон алоҳида ўрин эгаллашини яна бир бор тасдиқлайди.

Чинг-Куо Ву мамлакатимизнинг жаҳон спорт майдонида обрўси ортиб бораётганини юксак баҳолади. Ўзбекистонда жисмоний тарбияни оммалаштириш ва болалар спортини ривожлантириш масаласи давлат сиёсати даражасига кўтарилгани халқаро жамоатчиликка яхши маълум. Давлатимиз раҳбарининг соғлом турмуш тарзини қарор топтириш ва ҳар томонлама етук ёшларни вояга етказишга доимий ғамхўрлик кўрсатаётгани, бу борада мақсадли ишлар амалга оширилаётгани натижасида айни пайтда 6 ёшдан 15 ёшгача бўлган болалар ва ўсмирларнинг қарийб 60 фоизи спорт секцияларига қатнамоқда.

Ўзбекистонда мустақиллик йилларида профессионал спортчи, мураббий ва ҳакамларни тайёрлаш бўйича самарали тизим яратилди. Бугун барча зарур техник ва услубий воситалар билан таъминланган саксондан зиёд спорт федерациялари фаолият кўрсатмоқда.

Мамлакатимизнинг барча ҳудудларида 51 мингдан ортиқ спорт иншоотлари бунёд этилган. Спорт турлари бўйича кўплаб марказ ва секциялар, энг яхши хорижий спорт ареналаридан қолишмайдиган спорт мажмуалари ва заллари фаолият кўрсатмоқда.

Ўзбекистон спортчиларининг Олимпия ўйинларида эришаётган ютуқлари ушбу йўналишда олиб борилаётган ишлар юксак самаралар бераётганидан далолатдир. Тарихан қисқа фурсатда 6 олтин, 5 кумуш ва 10 бронза медали қўлга киритилди.

Ўзбекистон спортида бокс алоҳида ўрин эгаллайди. 2014-2015 йилларда мамлакатимизнинг барча ёш ва вазн тоифасидаги чарм қўлқоп усталари турли даражадаги 269 медалга сазовор бўлди. Ўзбекистонда халқаро миқёсдаги нуфузли мусобақалар ва бокс турнирлари мунтазам ўтказилмоқда. 2015 йилнинг 7-14 июнь кунлари AIBA шафелигида пойтахтимизда ўтказилган бокс бўйича ўсмирлар ўртасида Осиё чемпионатида мамлакатимиз спортчилари 7 олтин ва 6 бронза медални қўлга киритиб, умумжамоа ҳисобида биринчи ўринни эгаллади.

Оқсаройдаги учрашувда Ўзбекистонда ҳаваскорлик боксини ривожлантириш, мамлакатимизнинг AIBA билан самарали ҳамкорлигини янада мустаҳкамлаш ва кенгайтириш истиқболлари ҳақида фикр алмашилди.

Халқаро ҳаваскор боксчилар уюшмаси раҳбари Президент Ислом Каримовга самимий қабул ҳамда Ўзбекистонда спортни, жумладан, боксни ривожлантиришга улкан ҳисса қўшаётгани учун миннатдорлик билдирди.

Учрашувда Ўзбекистон Республикаси Президентига спорт ва олимпия ҳаракатини ривожлантириш ҳамда оммаллаштириш йўлидаги улкан хизматлари учун, шунингдек, боксни халқаро ва миллий даражада ривожлантириш борасидаги фидокорона меҳнати эътирофи сифатида AIBAнинг юксак мукофоти – «Хизматлари учун» ордени топширилди.

ЎзА

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

2016 йил 15 июлда Вазирлар Маҳкамасининг мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисда жорий йилнинг биринчи ярим йиллигида республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари муҳокама қилинди ва республика Хукуматининг жорий йил 15 январдаги мажлисида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов томонидан белгилаб берилган 2016 йилги иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор вазифалари бажарилишини сўзсиз таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар ишлаб чиқилди.

Мажлисда республика тармоқлари ва ҳудудларини ривожлантириш асосий прогноз кўрсаткичларининг бажарилиши, ишлаб чиқаришни таркибий ўзгартириш, модернизациялаш ва диверсификациялашни таъминлаш, саноат, муҳандислик-коммуникация ва ижтимоий инфратузилманинг ишга тушириладиган энг муҳим объектларини фойдаланишга топшириш, экспортга йўналтирилган маҳсулотлар турлари ва ҳажмларини кенгайтириш, шунингдек, давлатнинг иқтисодиётдаги улушини изчил қисқартириш, хусусий мулкни янада ривожлантириш, хорижий инвесторларни акциядорлик жамиятларининг устав капиталларига жалб этиш, корпоратив бошқарувнинг замонавий методларини, энг аввало, янгидан ташкил этилган тузилмаларда жорий этиш бўйича дастурий чора-тадбирларнинг амалга оширилиши самарадорлиги ҳар томонлама кўриб чиқилди ва танқидий таҳлил қилинди.

Қайд этиб ўтилдики, пухта ўйланган ҳамда жаҳонда ривожланишнинг «ўзбек модели» сифатида эътироф этилган стратегиянинг миллий манфаатларга жавоб берадиган изчил ва аниқ мақсадга йўналтирилган тарзда амалга оширилиши туфайли, жаҳон иқтисодиётидаги чуқур тизимли муаммоларнинг мавжудлигига қарамай, Ўзбекистонда макроиқтисодий барқарорлик, иқтисодиёт ўсишининг юқори суръатлари, аҳолининг турмуш даражаси ва сифатини узлуксиз ошириш барқарор равишда сақланмоқда. Республикада амалга оширилаётган ислоҳотларнинг натижадорлиги ва самарадорлиги умуман халқаро молия институтлари ва жаҳон ҳамжамияти томонидан юқори баҳоланмоқда, жумладан, бу жорий йилнинг 23-24 июнида Тошкент шаҳрида ўн бешинчи юбилей саммити муваффақиятли бўлиб ўтган Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар раҳбарлари томонидан ҳам қайд этиб ўтилди.

Мамлакатимиз Президентининг Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 25 йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишга бағишланган қарорида қайд этилганидек, ушбу йилларда миллий иқтисодиёт қарийб 6 бараварга ўсди. Ўзбекистоннинг ғалла, ёқилғи-энергетика ва транспорт-коммуникация мустақиллигига эришилди. Саноатнинг иқтисодиётдаги улуши 34 фоизга, тайёр маҳсулотларнинг экспорт таркибидаги салмоғи 70 фоиздан зиёд ошди. Истеъмол товарлари ҳажми аҳоли жон боши ҳисобига 7 бараварга, реал даромадлар 12 баравардан ортиқ кўпайди. Давлат бюджетининг 60 фоизидан юқориси ижтимоий соҳани ривожлантиришга йўналтирилмоқда.

Иқтисодиётни ислоҳ қилишни, таркибий ўзгартириш ва модернизация қилишни таъминлаш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар жорий йилнинг биринчи ярим йиллиги якунлари бўйича ялпи ички маҳсулотнинг 7,8 фоизга ўсишини таъминлади. Саноат ҳажмлари 6,7 фоизга ўсди. Қурилиш ишлари ҳажми 17,5 фоизга, хизматлар кўрсатиш ҳажми 12,9 фоизга кўпайди. Давлат бюджети ялпи ички маҳсулотга нисбатан 0,1 фоиз миқдоридаги профицит билан ижро этилди. Инфляция даражаси прогноз параметрларидан ошмади.

Молия-банк тизими барқарорлигини янада ошириш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар банклар жами капиталининг 23,3 фоизга ва депозитларнинг 27,7 фоизга ўсишини таъминлади, бу иқтисодиётни кредитлаш ҳажмларининг 26,2 фоизга кўпайишига кўмаклашди. Барча банк кредитларининг қарийб 80 фоизи инвестиция мақсадларига берилган узоқ муддатли кредитлардир.

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини модернизациялаш, диверсификациялаш ва оптималлаштириш дастурий чора-тадбирларини фаол амалга ошириш давом эттирилди. Мева-сабзавот маҳсулотлари етиштиришга давлат буюртмаси жорий этилди. Ғўза майдонлари қисқартирилди, бўшаган майдонларга мева-сабзавот экинлари экилди. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 6,8 фоизга кўпайди.

Кўрилаётган тизимли чора-тадбирлар туфайли йил бошидан буён 462,5 мингта янги иш ўринлари ташкил этилди. Уларнинг 276,7 мингтаси ёки 59,8 фоизи қишлоқ жойларидадир.

«Соғлом она ва бола йили» Давлат дастури доирасида оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, соғлом ва ҳар томонлама камол топган авлодни тарбиялаш тизимини янада мустаҳкамлаш бўйича кенг кўламли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Уларни молиялаштиришга барча манбалар ҳисобига 4,4 триллион сўмдан кўп ва 111 миллион доллар миқдорида маблағлар йўналтирилди.

Муҳокамалар давомида вазирликлар, идоралар, хўжалик бирлашмалари, йирик корхоналар ва ҳокимликлар раҳбарлари олдига 2016 йил учун белгиланган барча мақсадли параметрларга ва прогнозларга эришишни таъминлайдиган қўшимча чора-тадбирлар комплексини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, шунингдек, энг аввало, иқтисодиёт тармоқларини таркибий ўзгартириш, модернизациялаш ва диверсификациялашни чуқурлаштириш, ҳудудларни комплекс ривожлантиришнинг қабул қилинган ўртача муддатли дастурларини ўз вақтида ва сифатли амалга ошириш ҳисобига келгуси йилда иқтисодиётнинг барқарор ишлаши учун тайёргарлик ишларини ташкил этиш юзасидан аниқ вазифалар қўйилди.

«Ўзпахтасаноатэкспорт» холдинг компанияси ва «Ўзбекенгилсаноат» акциядорлик жамияти раҳбарларининг эътибори, шу жумладан, ҳар йили ўтказилаётган Халқаро Ўзбекистон пахта ва тўқимачилик ярмаркаси доирасида хорижий компанияларни — жаҳондаги етакчи тайёр маҳсулот ишлаб чиқарувчиларни биргаликда фаолиятга жалб этишни таъминлаган ҳолда пахта толасини қайта ишлаш ҳамда тайёр тўқимачилик ва тикувчилик-трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмларини янада кўпайтириш бўйича таъсирчан чора-тадбирлар кўришнинг зарурлигига қаратилди.

Стратегик инвестиция лойиҳаларини жадал амалга ошириш ва жорий йилда ишга тушириладиган муҳим объектларни ҳамда саноат қувватларини, муҳандислик-коммуникация, йўл-транспорт ва ижтимоий инфратузилма объектларини ўз вақтида фойдаланишга топширишни сўзсиз таъминлаш масалалари мажлис қатнашчиларининг диққат-эътибори марказида бўлди. Қайд этиб ўтилдики, кўрилган чора-тадбирлар натижасида ўзлаштирилган инвестициялар ҳажмларини 11,8 фоизга, шу жумладан, хорижий инвестициялар ва кредитларни 17,2 фоизга кўпайтириш таъминланди. Жами қиймати 1,9 миллиард АҚШ доллари бўлган 43 та ишлаб чиқариш объектлари фойдаланишга топширилди. Умумий қиймати 3,4 миллиард АҚШ долларидан ортиқ бўлган 72 та янги инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш бошланди. Маҳаллийлаштирилган маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажмлари 1,5 бараварга ошиши таъминланди.

Фарғона водийси вилоятларини республиканинг бошқа ҳудудлари билан тўғридан-тўғри темир йўл орқали боғлайдиган, 19,2 километр узунликдаги ноёб туннелга эга бўлган 123,1 километр узунликдаги электрлаштирилган Ангрен-Поп темир йўл линияси ишга туширилди. Самарқанд-Бухоро темир йўл линиясини электрлаштириш лойиҳаси ниҳоясига етказилмоқда. Узунлиги 1250 километрдан ортиқ бўлган кенг колеяли тола-оптик алоқа линиялари барпо этилди. Аҳолини рақамли телевидение билан қамраб олиш даражаси 68 фоизга етказилди. Қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар бўйича 13 мингта якка тартибдаги уй-жойни қуриш ва фойдаланишга топширишни жадаллаштириш чора-тадбирлари кўрилмоқда.

Вазирликлар, идоралар, хўжалик бирлашмалари, йирик корхоналар, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари раҳбарларининг эътибори, энг аввало, маҳаллий, қишлоқ хўжалиги ва бошқа хомашё ресурсларини чуқур қайта ишлаш асосида юқори қўшилган қийматли, рақобатбардош ҳамда ички ва ташқи бозорларда талаб катта бўлган тайёр маҳсулотларнинг янги замонавий турларини ишлаб чиқарувчи юқори технологияли ишлаб чиқариш объектларини ўз вақтида ишга туширишни таъминлаш юзасидан уларнинг шахсан жавобгар эканликларига қаратилди.

Бир қатор вазирликлар, идоралар, хўжалик бирлашмалари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раҳбарларига, вилоятлар, туманлар ва шаҳарлар ҳокимларига инфратузилмаларни, транспорт ва муҳандислик-коммуникация қурилишини ривожлантириш, ҳудудларни ободонлаштириш дастурларида назарда тутилган лойиҳаларни амалга оширишни, шунингдек, шу йил 30 июнь ва 1 июлда Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятларига ташрифи давомида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов томонидан қўйилган вазифаларни ҳал этишни ўз вақтида таъминлаш бўйича аниқ топшириқлар берилди.

Мажлисда экспорт қилинадиган маҳсулотларнинг турлари ва ҳажмларини кенгайтириш, маҳаллий товарларни сотишнинг янги хорижий бозорларини ўзлаштириш, шу асосда 2016 йилда, айниқса, мева-сабзавот маҳсулотларини экспорт қилиш прогноз параметрларига сўзсиз эришишни таъминлаш бўйича кўрилаётган чора-тадбирларнинг натижадорлиги пухта таҳлил қилинди.

Қайд этилдики, жаҳон бозорларида конъюнктуранинг нобарқарорлигига ва ноқулайлигига қарамай, экспортни кўпайтириш резервларини максимал жалб этиш, экспорт қилувчи корхоналарни фаол рағбатлантириш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар экспорт ҳажмларининг жадал суръатлар билан ўсишини ва ташқи савдо айланмасининг ижобий сальдосини таъминлади. Йил бошидан буён илгари ўз маҳсулотларини экспорт қилмаган қарийб 600 та корхона экспорт фаолиятига жалб этилди, маҳсулотларнинг 208 та янги турларини экспорт қилиш ўзлаштирилди. Мева-сабзавот маҳсулотларини экспорт қилишни кўпайтириш таъминланмоқда.

Ушбу масалани муҳокама қилиш давомида хўжалик бирлашмалари ва вилоятлар ҳокимликлари раҳбарлари олдига экспортни кўпайтиришнинг мавжуд резервларини сафарбар этиш бўйича аниқ вазифалар қўйилди. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари экспортини қўллаб-қувватлаш жамғармасининг ҳамда «Ўзтадбиркорэкспорт» компанияси раҳбарларининг кичик бизнес субъектларини ва фермер хўжаликларини экспорт фаолиятига фаол жалб этишни таъминлаш, шунингдек, «Ўзбекозиқовқатхолдинг» компанияси ва «Ўзагроэкспорт» акциядорлик жамияти раҳбарларининг энг аввало, якунига етаётган Халқаро мева-сабзавот ярмаркасида тузилган шартномалар асосида янги ва қайта ишланган мева-сабзавот маҳсулотларини экспортга етказиб беришни кенгайтиришни таъминлаш юзасидан шахсий масъулияти алоҳида таъкидлаб ўтилди.

Мажлисда давлатнинг иқтисодиётдаги иштирокини тубдан қисқартириш, давлат активлари ва улушларини хорижий инвесторларга сотиш ҳисобига хусусий мулкни жадал ривожлантириш ҳамда акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқарувнинг замонавий методларини жорий этиш бўйича кўрилаётган чора-тадбирларнинг ҳолати ва натижадорлигига алоҳида эътибор берилди. Қайд этиб ўтилдики, жорий йилнинг биринчи ярим йиллиги мобайнида хусусий мулкка қарийб 267,5 миллиард сўм миқдорида инвестиция мажбуриятлари қабул қилган ҳолда 305 та давлат активлари сотилди. Ўтган даврда хорижий инвесторларга 30 та акциядорлик жамиятидаги улушлар сотилди. Устав фондларида давлат улушига эга бўлган акциядорлик жамиятлари сони 2015 йилнинг шу давридаги 374 та ўрнига 202 тагача қисқарди.

Вазирликлар, идоралар, хўжалик бирлашмалари раҳбарларига акциядорлик жамиятларининг устав капиталларига камида 15 фоиз миқдорида салоҳиятли хорижий инвесторларни жалб этиш ва 2015 йил ноябрь ойидаги Халқаро инвестиция форумида тузилган меморандумлар доирасида инвестиция лойиҳаларини амалга оширишни жадаллаштириш ишларини фаоллаштириш топшириғи берилди.

Давлат рақобат қўмитасига манфаатдор вазирликлар, идоралар ва ҳокимликлар билан биргаликда акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқарувнинг замонавий методларини ҳамда ижро этувчи органлар фаолияти самарадорлигининг асосий кўрсаткичларини жорий қилиш ва қўллашнинг, шунингдек, «ноль» қиймат бўйича сотилган давлат мулки объектларидан самарали фойдаланишнинг ҳамда инвесторлар томонидан олинган инвестиция мажбуриятлари тўлиқ бажарилишининг ҳолати юзасидан тизимли мониторинг олиб борилишини таъминлаш юкланди.

Мажлисда ғалла ўрим-йиғими якунлари танқидий таҳлил қилинди. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари, шунингдек, қишлоқ хўжалигига хизмат кўрсатувчи иқтисодиёт тармоқлари раҳбарларининг эътибори кучга васиталарни ғўзани интенсив парваришлашга ва ҳосил йиғим-теримига тайёргарлик кўриш бўйича чора-тадбирлар комплексини таъминлашга йўналтирилиши зарурлигига қаратилди.

Мажлисда, шунингдек, давлатимиз раҳбари қарори асосида янгидан ташкил этилган Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети фаолиятини ташкил этиш, шунингдек, Миллий университетда, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университетида ҳамда Тошкент давлат техника университетида таълим жараёнини янада такомиллаштириш борасида белгилаб берилган устувор вазифаларни амалга ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар муҳокама қилинди. Бунда олий таълим муассасасидаги таълимнинг илм-фан билан ўзаро мустаҳкам алоқасини илғор жаҳон тажрибаси асосида таъминлашга, шунингдек, иқтисодиёт тармоқларининг эҳтиёжларига мувофиқ ҳолда юқори малакали кадрлар тайёрлаш сифати ва даражасини тубдан оширишга ҳам алоҳида эътибор қаратилди.

Мажлисда Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 25 йиллигига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича белгиланган тадбирларнинг бажарилиши ҳолати ҳам кўриб чиқилди. Ушбу масалани муҳокама қилиш давомида вазирликлар, идоралар ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари олдига Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 25 йиллигини муносиб кутиб олиш ва тантанали нишонлаш бўйича ташкилий-амалий, маданий-маърифий ва ахборот-тушунтириш тадбирларини сифатли амалга ошириш бўйича аниқ вазифалар қўйилди.

Кун тартибидаги масалалар бўйича Вазирлар Маҳкамаси комплекслари, вазирликлар, идоралар, хўжалик бирлашмалари, йирик корхоналар ва республика вилоятлари ҳокимликлари раҳбарларининг ҳисоботлари эшитилди. Республика Хукуматининг мажлисига киритилган масалаларни муҳокама қилиш якунлари бўйича тегишли қарорлар қабул қилинди, уларда 2016 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурининг энг муҳим йўналишлари ва устувор вазифалари амалга оширилишини сўзсиз таъминлаш юзасидан аниқ чора-тадбирлар белгиланди.

ЎзА

ЯНГИ РУКН: ПАРЛАМЕНТ АЪЗОЛАРИ МИНБАРИ

Мурожаат ва изланишлар

Мамлакатимизда тобора чуқурлашиб бораётган парламент ислоҳотларининг мазмун-моҳиятидан келиб чиқиб, шунингдек, кўп минг сонли партиямиз аъзолари, газетхонларимиз таклиф-мулоҳазаларини инобатга олиб, «Парламент аъзолари минбари» деб номланган рукн ташкил этдик. Ушбу рукн остида Олий Мажлис Сенати аъзолари, Қонунчилик палатаси депутатларининг мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-ҳуқуқий тараққиёти билан боғлиқ масалалардаги фикр-мулоҳазаларини бериб боришни ният қилдик.

► Давоми 2-бетда.

ЎзХДП: УСТУВОР ВАЗИФАЛАР

ЯНГИЧА ФИКРЛАГАН ДЕПУТАТ, ПАРТИЯ ФАОЛИ

кўпроқ амалий натижаларга эришади

2

ЎзХДП: УСТУВОР ВАЗИФАЛАР

■Бугун сиёсий партия ташкилоти етакчиси зиммасига ҳар қачонгидан катта масъулият юкланган. У аввало янгича фикрлаши, фидойи ва жонкуяр бўлиши, партия аъзоларини эзгу мақсад йўлида бирлаштира олиши зарур.

ЯНГИЧА ФИКРЛАГАН ДЕПУТАТ, ПАРТИЯ ФАОЛИ

кўпроқ амалий натижаларга эришади

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши Ижроия қўмитасининг кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди. Унда партия Сайловолди платформасида белгиланган вазифаларни амалга ошириш, хусусан, 2016-2019 йилларга мўлжалланган амалий Ҳаракат дастурининг жорий йил биринчи ярим йиллиқдаги ижроси тўғрисидаги масала таҳлилий-танқидий руҳда кўриб чиқилди.

Йиғилишни Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши раиси, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси раҳбари Ҳотамжон КЕТМОНОВ кириш сўзи билан очди.

Санжар ШЎТЎЛАГАНОВ олган суратлар.

Ҳаётга яқин бўлган, одамларга фойдаси тегадиган ташаббусларни кўтариб чиққан, сўзи билан амали бир бўлган депутатларгина ҳурмат қозонади, тараққиётимизга ҳисса қўша олади.

Мамлакатимиз Президентининг Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 25 йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишга бағишланган қарорига мувофиқ тарзда юртимизнинг барча ҳудудлари, шаҳару қишлоқларида энг улуғ, энг азиз байрамимизга қизғин ҳозирлик кўрилаётгани алоҳида таъкидланди.

Дарҳақиқат, истиқлол йилларида халқимизнинг турмуш фаровонлиги бекиёс даражада юксалди. Бозор иқтисодиётига босқичма-босқич ўтиш жараёнида аҳолининг кучли ижтимоий ҳимояси таъминланди. Кам таъминланган оилалар, хотин-қизлар ва ёшлар, кексалар ҳамда жисмоний имконияти чекланган шахслар манфаатлари муҳофазаси йўлида муҳим қарорлар қабул қилиниб, ҳаётга жорий этилди. Бу даврда истеъмол товарлари ҳажми аҳоли жон боши ҳисобига 7 бараварга, реал даромадлар 12 баравардан ортиқ кўпайди. Давлат бюджетининг 60 фоизидан кўпроғи ижтимоий соҳани ривожлантиришга йўналтириб келинмоқда.

Демократик ислоҳотларнинг ҳозирги босқичида партия ташкилотлари ва депутатлар ўз фаолиятини доимий равишда кучайтириб бориши, қонунлар ижроси устидан парламент ва депутатлик назоратини тизимли йўлга қўйиши, бир сўз билан айтганда, ҳудудлардаги ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар масъулиятини зиммасига олиши зарур, деди партия етакчиси.

Бугун сиёсий партия ташкилотига етакчи бўлишнинг масъулияти катта. Бундай одам аввало ўзи янгича фикрлаши, фидойи ва жонкуяр бўлиши, партия аъзоларини эзгу мақсад йўлида бирлаштира олиши зарур.

Ҳаммамизга маълум, давлат ва жамиятимизда депутатга катта ваколатлар, юксак мақом берилган. Барча даражадаги депутатларга жамоатчилигимиз ҳурмат билан қарайди, ўзини ўйлантираётган масала бўйича мурожаат қилади, амалий ишлар кутади, керак бўлса, ўрнак олади.

Шунинг учун ҳам бугун сайловчилар, электорат вакиллари партия ташкилотлари етакчилари, масъул ходимлари, депутатлар фаолияти ҳақида эришилган натижаларга қараб хулоса чиқармоқда. Бундай шароитда ҳаётга яқин бўлган, одамларга фойдаси тегадиган ташаббусларни кўтариб чиққан, сўзи билан амали бир бўлган депутатларгина ҳурмат қозонади, тараққиётимизга ҳисса қўша олади.

Партиямиз ташкилотлари, депутатларимиз фаолиятига ана шу мезондан келиб чиқиб, баҳо берадиган бўлсак, қўлга киритган натижаларимиздан қиладиган ишларимиз кўплиги аён бўлади, деди партия раҳбари.

Шундан сўнг **ЎзХДП Марказий Кенгаши раиси ўринбосари, Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси раиси, Ўзбекистон ХДП фракцияси аъзоси Рустам КОМИЛОВ** 2016-2019 йилларга мўлжалланган амалий Ҳаракат дастурининг жорий йил биринчи ярим йиллиқдаги ижроси, партия фракциясининг қонун ижодкорлиги соҳасидаги фаолияти тўғрисида таҳлилий маълумот берди.

Шу билан бирга, мустақиллик йилларида мамлакатимизда кўппартиявийлик тизимини шакллантириш, икки палатали парламентни қарор топтириш бўйича амалга оширилган кенг кўламли ислоҳотлар ҳақида ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди.

Таъкидландики, Президентимиз ғоялари ҳамда ташаббуслари асосида мамлакатимизда давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштириш, бу жараёнда сиёсий партияларнинг ролини ошириш бўйича муҳим, тарихий қонунлар қабул қилинди. Ҳозирги кунда сиёсий партиялар давлат ҳокимиятини демократлаштириш, фуқароларнинг сиёсий иродасини рўёбга чиқариш ва қонуний манфаатларини таъминлаш бўйича катта имкониятлар ҳамда ваколатларга эга бўлаётгани алоҳида қайд этиб ўтилди.

Маълумотларга кўра, **жорий йилнинг шу даврига қадар Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесидаги партиямиз фракцияси, халқ депутатлари вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳар, туман ва шаҳар Кенгашларидаги Ўзбекистон ХДП гуруҳлари томонидан 123 масала партия гуруҳлари йиғилишларида, 61 масала доимий комиссия йиғилишларида, 35 масала сессияларда муҳокама этилган. Шу асосда жойлардаги турли ижтимоий масалаларни ҳал этиш бўйича муайян қарорлар қабул қилинган.**

Ҳаракат дастурида белгиланган вазифаларни амалга оширишда, айниқса, Андижон, Сурхондарё, Фарғона ва Хоразм вилоятларидаги бир қатор партия гуруҳларининг фаоллиги кўринаётгани айтиб ўтилди.

Партиямиз гуруҳлари ташаббуси билан муҳокама қилинган масалалар мазмун-моҳиятига кўра таҳлил этилганда, уларнинг аксарияти Сайловолди дастури ижросига, электорат манфаатлари ҳимоясига қаратилгани яққол кўринади. Хусусан, таълим муассасалари битирувчиларини иш билан таъминлаш, аҳоли соғлиғини муҳофаза қилиш, ижтимоий ҳимояни кучайтириш, ёш оилаларнинг имтиёзли ипотека кредитлари асосида уй-жойлар олиши, таълим тизими, хизмат кўрсатиш ва сервисни ривожлантириш, ички йўлларни таъмирлаш, коммунал хизматлар, банк пластик карточкаларидан фойдаланиш тизимини такомиллаштириш, ҳудудларда ишлаб чиқаришни кенгайтириш билан боғлиқ масалалар бўйича назорат-таҳлил ишлари олиб борилган.

Ҳаракат дастури ижроси таҳлил қилинадиган бўлса, ютуқлар билан бирга, айрим камчиликлар ҳам кўзга ташланади. Жойларда ижтимоий масалалар мониторингини тизимли амалга ошириш, партия электорати манфаатлари билан боғлиқ муаммоларни таҳлил этиб, маҳаллий Кенгашлар муҳокамасига олиб чиқиш борасида ташаббускорлик етишмаётир. Бундан ташқари, сайловчилар, аҳоли вакилларининг мурожаатларига ҳамма жойда бирдек эътибор қаратилмаяпти. Бу борада айрим партия гуруҳлари тегишли хулоса чиқариб олиши зарурлиги таъкидланди.

Тўғри, партия гуруҳлари доимий комиссиялар, сессияларда электорат манфаатлари билан боғлиқ долзарб ижтимоий масалалар муҳокама қилинишига эришяпти. Аммо бу жараёнда ҳар доим ҳам таҳлил этилаётган соҳалар ичига, муаммоларнинг асл сабабларига етиб борилаётгани йўқ. Бу эса депутатлар, яъни доимий комиссиялар, сессияларда қабул қилинаётган қарорлар сифатига салбий таъсир ўтказади. Шундай экан, бирор мавзуни кўтариб чиқишдан, бу ҳақда бирон фикр айтишдан, хулоса чиқаришдан олдин масалани чуқурроқ ўрганиш, аниқ рақамлар ва таҳлилларга асосланиш жоиз бўлади. Шунда «Депутатлар қандай масалани кўтарди, нимани муҳокама қилди, бунинг одамларга қанақа фойдаси тегди, халқ нима манфаат кўрди», деган саволларнинг жавоби аниқ бўлади.

Шунинг учун жойларда демократик ислоҳотларнинг мазмун-моҳияти, ҳаётимизни янада яхшилашдаги аҳамияти, депутатлик масъулияти ва маданияти ҳақида таъсирчан ўқувлар ўтказиш, бундай тадбирларда баланд-паровоз гаплардан бутунлай воз кечиш, партия ташкилотлари етакчилари ҳамда депутатларни фаолликка ундаш, ўз навбатида маҳаллий ҳокимликлар, корхона-ташкилотлар мутасаддиларида депутатлар билан ҳамфикр, ҳаммаслак бўлиб ишлаш кўникмасини ривожлантириш ҳаётий заруратга айланмоқда.

ЎзХДП Марказий Кенгаши раиси ўринбосари Улуғбек Вафоев, партия Марказий Кенгаши юридик бўлими бошлиғи Улуғбек Худойназаров, Қорақалпоғистон республика кенгаши раиси вазифасини бажарувчи Нокисбай Ғаниев, Андижон вилоят кенгаши раиси Абдулҳамид Нурматов, Тошкент вилоят кенгаши раиси Мехрож Дархонов ва бошқалар йиғилиш кун тартибидаги масалалар хусусида ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришди.

Ижроия қўмита кун тартибидаги барча масалаларни атрофлича кўриб чиқди ва тегишли қарорлар қабул қилди.

Тўлқин ТЎРАХОНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

■ ЯНГИ РУКН: ПАРЛАМЕНТ АЪЗОЛАРИ МИНБАРИ

Абдуғаффор ҚИРҒИЗБОЕВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, Ўзбекистон ХДП фракцияси аъзоси.

49-Янгиқўрғон округида бўлиб, Наманган вилоятининг Янгиқўрғон ва Чортоқ туманларида сайловчилар билан навбатдаги учрашувларни ўтказдим. Ўн кун давомида туманлардаги маҳаллаларда, фермер хўжаликларида, ишлаб чиқариш корхоналари, соғлиқни сақлаш, таълим муассасаларида бўлиб, одамлар билан қизғин мулоқотлар, суҳбатларда иштирок этдим.

Мурожаат ва изланишлар

Учрашувларда парламент томонидан қабул қилинган қонунлар, тайёрланаётган қонун лойиҳалари ва уларнинг аҳамияти хусусида, мамлакатимиз ички ва ташқи сиёсатида содир бўлаётган муҳим воқеалар, айниқса, яқиндагина бўлиб ўтган Шанхай Ҳамкорлик Ташкилотининг Тошкент саммити якунлари ва унда кўриб чиқилган муҳим масалалар хусусида фикр алмашилди.

Хитойлик мутахассислар иштирокида бунёд этилган Қамчиқ довонидан ўтувчи Ангрен-Поп темир йўлининг ишга туширилиши, мазкур темир йўлнинг Фарғона водийсини пойтахтимиз ва республикамизнинг бошқа минтақалари билан боғлашдаги аҳамияти ҳақида батафсил тушунча берилди. Сайловчилар ўз чиқишларида халқимиз фаровонлигини ошириш ниятида амалга оширилаётган улкан ишларга, ғамхўрликка юқори баҳо берди.

Янгиқўрғон туманидаги Заркент, Нанай, Қораполвон қишлоқларидаги учрашувларда сайловчилар пластик карточкалар орқали савдо қилишдаги айрим муаммоларни, ички йўлларни таъмирлаш масаласини кўтарган бўлса, Чортоқ туманидаги Ҳазратшоҳ, Боғистон қишлоқ фуқаролар йиғинларидаги учрашувларда ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, янги иш ўринлари яратиш бўйича таклифлар билдирилди. Мазкур тумандаги Алихон қишлоғи аҳолиси эса коллеж битирувчиларини ўз мутахассислиги бўйича ишга жойлаштириш билан боғлиқ масалаларга эътибор қаратиш лозимлигини айтди.

Учрашувлар давомида сайловчилар томонидан кўтарилган айрим ижтимоий масалаларни кўриб чиқиш ва бартараф қилиш учун туман ва вилоят ҳокимликларига тақдим этилди. Айрим масалалар бўйича берилган саволларни турли вазирлик ва идораларга юборишга келишиб олинди.

Депутатнинг вазифаси сайловчилар мурожаатларини у ёки бу ташкилотга маълум қилиш билан якунига етмайди, албатта. Шунинг учун учрашувларда кўтарилган масалалар ҳал бўлиши учун ҳамма имкониятларни ишга солишимиз, елиб-югуришимиз зарур.

Умуман, учрашувлар кўтаринки руҳда ўтди. Энг асосийси, долзарб ижтимоий масалалар янада чуқур ўрганилди, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги партиямиз гуруҳлари билан учрашувлар ўтказилди. Маҳаллий ижро ҳокимияти вакиллари депутатлар билан биргаликда аҳоли кайфияти билан яқиндан танишди. Бундай учрашувларнинг ташкил этилиши ана шу жиҳатлари билан долзарб аҳамиятга эга, деб ўйлайман.

■ СИЗДА ҚАНДАЙ ТАКЛИФ БОР?

БОШЛАНҒИЧ ТАШКИЛОТ — ПАРТИЯ ТАЯНЧИ

Сиёсий партиянинг халқ орасига чуқур кириб бориши, нуфузи мустаҳкамланиши кўп жиҳатдан бошланғич ташкилотлар фаолияти қай даражада йўлга қўйилганига боғлиқ. Қуйи бўғин иши тўғри ва тизимли ташкил этилса, партия сиёсий куч сифатида ўзини тўлиқ намоён этади.

Бошланғич ташкилотлар фаолиятини янада такомиллаштириш ва кучайтириш учун нималарга кўпроқ эътибор қаратмоқ зарур? Бошланғич ташкилотнинг асосий вазифалари нималардан иборат, деб ўйлайсиз?

Бугундан бошлаб ушбу саволлар атрофида баҳс юритамиз, бошланғич партия ташкилотлари етакчилари, партия кенгашлари раислари ҳамда масъул ходимлари, депутатларимиз фикр-мулоҳазаларини ёритиб борамиз.

Сайфиддин ҚУРБОНОВ,
ЎзХДП Сурхондарё вилоят кенгаши Бошланғич ташкилотлар билан ишлаш сектори мудири:

— Бугунги кунда Сурхондарё вилоятида ЎзХДПнинг 768 бошланғич ташкилоти фаолият юритмоқда. Уларда 35 минг нафардан ортиқ партиямиз аъзоси бор.

Биз қуйи ташкилотлар фаолиятини замон талабларига мос равишда ташкил этиш учун аввало, етакчиларнинг сиёсий-ҳуқуқий салоҳиятини юксалтириш, илғор бошланғич ташкилотларни рағбатлантиришга эътибор қаратаяпмиз.

Жорий йилнинг шу даврига қадар бошланғич ташкилотларда 50 дан ортиқ тадбир, хусусан, сиёсий-фуқаролик маърифати тизимида ўқувлар, давра суҳбати ва семинар-тренинглар ташкил этилди. Уларга ҳуқуқшунос, сиёсатшунос ва бошқа мутахассисларни кўпроқ жалб этишга аҳамият бердик. Қуйи бўғиндаги тадбирлар доирасида электорат вакиллари билан муҳим мавзуларда фикр алмашилди.

Ҳозирги кунда Термиз шаҳридаги «Термизнефтбаза» унитар корхонаси, «Қишлоқ қурилиш банк» муассасаси, «Тупроққўрғон» маҳалла фуқаролар йиғинидаги ҳудудий бошланғич партия ташкилотлари иш тажрибасини оммалаштиришга ҳаракат қиляпмиз.

Менимча, қуйи бўғин фаолиятини кучайтириш учун биринчи навбатда уларга амалий ёрдам кўрсатишимиз, бирорта бошланғич ташкилотни эътибордан четда қолдирмаслигимиз лозим. Бошланғич ташкилотлар томонидан кўтарилаётган ҳар бир таклифни қўллаб-қувватлаш талаб этилади. Партия ташкилотлари, депутатлар уларни чуқур таҳлил этиб, ҳаётга татбиқ қилиш учун курашиши керак. Ташаббуси амалга ошаётганини, қўллаб-қувватланаётганини кўрган кишининг эса фаоллиги, ижтимоий масъулияти янада ортади.

Менимча, қуйи бўғин фаолиятини кучайтириш учун биринчи навбатда уларга амалий ёрдам кўрсатишимиз, бирорта бошланғич ташкилотни эътибордан четда қолдирмаслигимиз лозим.

Нигора МАТИЕВА,
Чилонзор тумани 39-оилавий поликлиникадаги ЎзХДП бошланғич ташкилоти етакчиси:

— Шифохонамизда партиямиз аъзолари 50 нафарга яқинлашди. Партия ғояларини тарғиб этиш борасида ўзига хос тажриба тўпладик. Шифохонамизда бошланғич партия ташкилотининг бурчаги бор. У ерда зарур сиёсий-ҳуқуқий адабиётлар, партиямиз дастури ва Сайловолди дастури ҳамда фаолиятимиз ҳақида маълумотлар жамланган.

Биз бошланғич партия ташкилоти вазифаларини аниқ белгилаб олганмиз. Биринчи ишимиз партиямиз ғояларини тарғиб этиш, деб биламиз. Иккинчидан, партия аъзолари ҳуқуқий-сиёсий билимини оширишга қаратилган тадбирларни изчил ўтказиб бориш зарур. Депутатларимиз, партиямиз фаоллари иштирокида давра суҳбатларини тез-тез уюштириш, очиқ мулоқотлар ўтказиш муҳим аҳамиятга эга. Устувор вазифалардан яна бири электоратимиз манфаати билан боғлиқ масалаларни ўрганиб, депутатларимизга таклифлар беришдан иборат. Бу ишларни амалга оширмаган бошланғич ташкилот фаолиятини қониқарли, деб бўлмайди.

www.uzbekistonovozi.uz
info@uzbekistonovozi.uz

ҲУДУДЛАРДАГИ ЭЛЕКТОРАТИМИЗНИ ЎЙЛАНТИРАЁТГАН АЙРИМ МУАММОЛАРНИ БАРЧА ДАРАЖАДАГИ ДЕПУТАТЛАРНИНГ ҲАМДА БОШЛАНҒИЧ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИНИНГ КУЧ ВА ИМКОНИЯТЛАРИНИ БИРЛАШТИРИШ ОРҚАЛИ ЕЧИШ МУМКИН. БУНИ БИЗДАН ЗАМОННИНГ ЎЗИ ТАЛАБ ЭТМОҚДА.

ИСТИҚЛОЛ БЕРГАН ИМКОНИЯТ

■ Мамлакатимиз қишлоқлари турмуш тарзида рўй берган бу улкан ўзгаришларни халқимиз «Истиқлолимиз шарофатидан», — демоқда.

КЕЧАГИ ҚИШЛОҚ МАКТАБЛАРИ

қандайлигини айтсам, бугунги ёшлар ишониши қийин

Мана, йигирма беш йилдирки, Ўзбекистонимизда 1 сентябрь — Мустақиллик байрами, 2 сентябрь — Билимлар куни сифатида нишонланади. Минг-минглаб фарзандларимизни мактаблар, академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари, олий ўқув юртлари ўз бағрига олади.

Мустақиллик мактабларидан бири.

Мустабидлик даврининг мактабларидан бири.

Бугун мутлақо янгича қиёфа ва мазмунга эга бўлган барча илм даргоҳларини кўриб, кўзинг қувонади. Синфхоналар ёруғ ва равшан, фан кабинетлари барча керакли жиҳозлар билан таъминланган, кенг ва баланд, дид билан қурилган спорт заллари келажагимиз эгалари ихтиёрига берилган.

Буларни кўриб, кўз ўнгимдан ўзимнинг болалигим, ўқиган мактабим ва ўша давр манзаралари ўта бошлайди.

Эсимда, қишлоғимизда 2 синфхонадан иборат 33-бошланғич мактаб бўларди. Унда 1-дан 4-синфгача ўқитиларди.

Мактабда фақат битта ўқитувчи ишларди ва барча фанлардан дарс берарди. Бироқ, бизга маълум бўлмаган сабабларга кўра, негадир, ҳар ўқув йилида ўқитувчи алмашарди. Аянчлиси шундаки, мен ўқиган тўрт йил ичида тақдир тақозоси билан колхознинг собиқ тракторчиси, армия сафидан эндигина қайтган йигит ҳам бизга сабоқ берган.

Биринчи хонага 1 ва 3-синф, иккинчисига эса 2 ва 4-синф ўқувчилари жойлашишарди. Ҳар иккала синфхонада ҳам 45 минутлик дарс иккига бўлиниб, ҳар икки синф ўқувчиларига ўтиларди. Мактабнинг иккита митти синфхонаси ва торгина коридорини пол қилишга, унинг лой томини шифер билан ёпишга шўролар тузумининг кучи етмади.

5-8-синфларда қишлоғимиздан 5 километр олисдаги Полмон қишлоғида жойлашган 32-саккиз йиллик мактабда ўқидик. Бу мактабда 3 қишлоқ ёшлари 2 сменада ўқирди. 9-10-синфни эса қишлоғимиздан 7 километр узоқдаги Шавкан қишлоғида жойлашган 36-ўрта мактабда давом эттирдик. Бу мактабга 14 қишлоқ болалари қатнарди.

Дарсга ўз вақтида етиб бориш учун тонг қоронғусида йўлга чиқардик. Мактабга етгунга қадар 3 қишлоқнинг қоқ ўртасидан ўтардик, бу қишлоқларнинг ўқувчилари ҳам бизнинг сафимизга қўшиларди. Эрталаб соат олтиларда йўлга чиқиб, саккиз яримда бошланадиган дарсга зўрға улгурардик.

Ҳар куни икки, икки ярим соат йўл босиб келган ўқувчининг дарсда қандай ўтиришини тасаввур қилиб кўринг.

Ўқув йили бошланганининг иккинчи куни барчамиз мактаб ҳовлисида саф тортардик ва «Эртадан бошлаб ҳамма пахта йиғим-теримига!» деган ҳукмни эшитардик. Баъзи пайтда бу жараён декабрь ойининг охиригача давом этарди.

Орадан икки ой ўтгач, март-апрель ойларида ўқувчилар яна қишлоқ хўжалиги ишларига жалб қилинарди. Экилган чигитни қатқалоқ қилишга чиқардик.

Ғаллазорларни ўтоқ қилиш, чорва молларига хашак тайёрлаш, пилла боқишда ҳам мактаб ўқувчилари меҳнатидан фойдаланиларди.

1970-йилларнинг ўрталарига қадар мактабимиз ўқитувчиси Таваккал Жумаев қишлоқдаги якка-ю, ягона олий маълумотли инсон бўлиб қолаверди.

Афсус ва надоматлар бўлсинки, шўролар даврида қишлоғимиз қизларининг пешонасига олий маълумотли бўлиш ёзилмаган экан. 80-йилларнинг ўрталарида «Холбой аканинг Жамила исмли қизи Гулистондаги педагогика институтининг сиртқи бўлимига ўқишга кирибди», — деган гап тарқалди. Жамила ўқишини битириб, дипломини қўлига олгунига қадар, бу гапга ҳеч ким ишонмади.

Ўша замонларда Тошкент ёки Самарқандга ўқишга бориш ҳамқишлоқларимнинг ҳаммасига насиб этавермаганлиги сабабли уларнинг айримлари Шаҳрисабздаги қишлоқ хўжалиги, педагогика ва тиббиёт техникумларига ўқишга киришга мажбур бўларди.

1975 йил ҳамқишлоқларим учун хайрли бошланди. Бир йил олдин мактаб ўқувчилари ўртасида тарих фанидан Наманганда ўтган Республика олимпиадасида 3-ўринни эгаллаган Каримжон Урганчда ўтган олимпиадада 1-ўринни эгаллашга муваффақ бўлди. Олимпиада ташкилий қўмитаси томонидан унинг қўлига ўқишга киришга тавсиянома берилди.

Бутун умр колхозда ишлаган Сатторвали ота емайичмай йиққан пулидан ўғлининг қўлига 100 сўм тутқазди.

Не-не орзу-умидлар билан Тошкентга жўнаган Каримжон орадан бир ой ўтар-ўтмас қишлоққа шалвираб қайтди. Ўқишга киролмапти. Унинг икки карра Республика олимпиадаси ғолиби эканлиги инобатга олинмапти, қўлидаги тавсияномага ҳеч ким қайрилиб ҳам қарамапти.

Бугун ҳамқишлоқларим ўзларининг шинамгина мактабларига эга. Унда ҳар бир синфнинг ўз хонаси бор. Мактабда 30 га яқин ўқитувчи ёшларга таълим-тарбия бермоқда. Олдингидек, сойликка тушиб тўп тепишлар, сирпанчиқ отишлар ортда қолган. Мактаб барча қулайликларга эга бўлган ўз стадионига эга. Ўтган йили мактаб қайта таъмирдан чиқарилди. Шунингдек, туманимиз ҳудудида академик лицей фаолият кўрсатиб турибди.

Олий ўқув юртларига талабаликка қабул қилиш алламақачоноқ одилона тест тизимига ўтказилган. Ҳар ким ўз билимига яраша баҳосини оляпти.

Республика фан олимпиадалари ғолибларининг бошига Каримжоннинг куни тушмаяпти. Улар биринчилар қаторида, имтиҳонларсиз — тест синовларисиз талабалар сафига қабул қилинаяпти.

Қобилияти, салоҳияти ва иқтидори бўлган ёш йигит-қизларимизни давлатимиз ҳар томонлама қўллаб-қувватлаб, дунёнинг энг машҳур университетларида таҳсил олишлари учун барча шароитларни яратиб беряпти. Бутун дунёда эътироф этилган Буюк Британиянинг Вестминстер университети, Сингапур менежментни ривожлантириш институти, Турин политехника университети, М.Ломоносов номидаги Москва давлат университети, В.Плеханов номидаги Россия иқтисодиёт университети, В.Губкин номидаги нефть-газ институти, Жанубий Кореянинг Инҳа университети филиаллари Тошкентда фаолият кўрсатмоқда.

Шўролар даврида олий маълумотли мутахассислар «анқонинг уруғи» бўлса, кейинги йилларда қишлоғимиз ёшларининг 30 дан ортиғи бакалавр ва магистрлик даражаларини олишга муваффақ бўлишди. Фарзандларининг ҳаммаси шундай даражаларга эга бўлаётган оилалар ҳам пайдо бўлаяпти.

Ҳозир биргина Тошкентдаги олий ўқув юртларида қишлоғимиздан таҳсил олаётган ёшларнинг сони 10 нафардан ошиб кетган. Шунингдек, уларнинг бир қисми Самарқанд, Бухоро ва Қарши шаҳарларида ҳам таълим олаяптилар.

Мамлакатимиз қишлоқлари турмуш тарзида рўй берган бу улкан ўзгаришларни халқимиз «Истиқлолимиз шарофатидан», — демоқда.

Мен қаламга олган соҳада мамлакатимизда мустақиллик йилларида содир бўлган ва бўлаётган бундай жиддий ўзгариш ва ютуқларнинг ҳаммамиз гувоҳи бўлиб турган бир пайтда мактабни битираётган ўқувчиларнинг касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейларга тўлиқ равишда қабул қилинаётганликлари, уларни битирганларни иш билан таъминлаш масаласи давлат сиёсати даражасига кўтарилганлиги, ўз тадбиркорлик фаолиятини мустақил равишда бошлаш ниятида бўлганлар ҳар томонлама қўллаб-қувватланаётганлиги, қатор имтиёз ва преференцияларнинг берилаётганлиги хусусида атайин тўхталмадим. Аслида буларни қайта-қайта таъкидлаш биз учун ҳам қарз, ҳам фарз эди. Лекин бу ўринда мен сал ўзгача йўл тутдим ва эътиборингизни, асосан, ўтмишга қаратдим. Зеро, ўтмишдаги ҳақиқий аҳволдан хабардор бўлмасдан бугунги дориломон кунлар қадрини ҳис этолмаймиз.

Тоҳир МАЛИКОВ,
Тошкент молия институти профессори, иқтисод фанлари доктори.

ДИҚҚАТ, ТАНЛОВ!

«ЖАМИЯТ ВА МЕН»

Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди республикадаги босма ва интернет нашрлар, ахборот агентликлари журналистлари ва фотожурналистлари учун «Жамият ва мен» танловини эълон қилади.

Танловга жамият учун муҳим аҳамиятга эга, мамлакатимиздаги ижтимоий-сиёсий, социал-иқтисодий, маданий-маърифий, ҳуқуқий соҳалардаги ислоҳотларнинг бориши, жамиятнинг фаол аъзолари ташаббусларини бирлаштириш, ННТ, фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари, ОАВ ва давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари билан ўзаро ижтимоий шериклик ҳамда жамоатчилик назоратини кучайтиришга қаратилган ижодий ишлар қуйидаги йўналишлар бўйича қабул қилинади.

Танлов Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фондининг молиявий кўмагида ўтказилади.

Танлов йўналишлари:

— ижтимоий мавзуда ёритилган энг яхши материал;
— иқтисодий мавзуда ёритилган энг яхши материал;
— тарихий ва маданий мавзуда ёритилган энг яхши материал;
— сиёсий мавзуда ёритилган энг яхши материал;
— илмий-техник мавзуда ёритилган энг яхши материал;
— спорт мавзусида ёритилган энг яхши материал;
— ижтимоий шериклик мавзусида ёритилган энг яхши материал;
— жамоатчилик назорати мавзусида ёритилган энг яхши материал.

Махсус номинациялар:

— «Ўз даврининг қаҳрамони» мавзусида энг яхши мақола;
— «Соғлом она ва бола йили» Давлат дастури доирасида ёзилган энг яхши мақола.

Танловни ўтказиш шартлари ва тартиби:

Танловга номзодлик учун тақдим этиладиган материаллар 2016 йил 1 январдан 10 ноябргача босма нашрларда чоп этилган бўлиши керак. Улар юксак касбий даража билан ажралиб туриши ва қуйидагилардан иборат бўлиши мақсадга мувофиқ:

- тақдим этилган мавзуга мувофиқлик;
- мавзуни ёритишда асослилик ва ўзига хослик;
- материалнинг маънодорлиги ва тушунарлилиги;
- аниқ ва ишончли маълумот.

Танловда иштирок этиш учун аризалар мазкур эълон чоп этилган вақтдан бошлаб 10 ноябрга қадар Тошкент шаҳар — 100129, А.Навоий кўчаси, 30-уй, 2-қават, 45-хона манзили бўйича қабул қилинади. Мурожаат учун: (371) 244-14-28.

Ҳар бир номинация бўйича танлов ғолиблари махсус диплом ва ноутбук билан тақдирланади.

Танловга юборилган материаллар қайтарилмайди, улар учун тақриз ёзилмайди ва ҳақ тўланмайди.

РЕКЛАМА ЎРНИДА

DAVR BANK

Кредитлар янги иш ўринлари яратишга хизмат қилмоқда

Мамлакатимизда янги иш ўринлари яратилиши, ўзимизда ишлаб чиқарилган сифатли маҳсулотлар кўпайиши, турмуш фаровонлиги ошишида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ривожланиши алоҳида аҳамият касб этади. Бунда банклар томонидан юқори сифатли хизмат кўрсатилиши муҳим ўрин тутади. Банк-молия тизими томонидан қулай ишбилармонлик муҳитини яратишга қаратилган кенг кўламли тадбирларнинг босқичма-босқич амалга оширилаётганлиги яхши самара бермоқда. Бу эса кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳаси вакиллари учун катта имкониятлар яратмоқда.

Келинг, юртимиз банкларидан бири — «DAVR BANK» ХАТБ томонидан йўналтирилаётган кредитларнинг нечоғлик самара бераётгани ҳақида мижозлар фикрлари билан танишайлик.

Суннатилла МАВЛОНОВ, хусусий тадбиркор:

— Кўплаб ёшлар коллежларни тамомлагач, олий ўқув юртида танлаган касблари бўйича ўқишни давом эттираётган бўлса, айрим тенгдошларим тадбиркорлик қилиб, юрт иқтисодиётига ҳисса қўшишмоқда. Коллежда ўқиб юрганимда банк ходимлари келиб тадбиркорликни йўлга қўйиш бўйича амалий маслаҳатлар беришарди. Ўшанда тадбиркорликка қизиқиб, автомашиналарга эҳтиёт қисмларни сотиш дўконини очишни ният қилгандим. Ниҳоят, коллежни битириб, фаолиятимни йўлга қўйишга киришдим. Бироқ орзу қилган билан молиявий маблағ бўлмаса, қийин экан. Шунда «DAVR BANK» ХАТБ га мурожаат қилдим. Улар лойиҳамни қўллаб-қувватлаб, менга 20 миллион сўм кредит ажратиб беришди. Ушбу маблағ ҳисобига ишимни йўлга қўйдим. Биринчи даромадимни ота-онамга бериб, дуоларини олдим. Бу бир умр эсимда қоладиган бўлди. Ёнимда 2 нафар тенгдошим меҳнат қиляпти.

Хизматимиздан аҳоли мамнун. Мен каби ёшларнинг орзулари ушалишида, режалари амалга ошишида банк ходимлари кўрсатаётган хизматлардан миннатдормиз.

Хатира ФАЙЗИЕВА, хусусий тадбиркор:

— Ёшликдан тикиш-бичишга иштиёқим баланд. Ҳунаримни бошқаларга ўргатиш, тадбиркорлигимни йўлга қўйишни дилга тугиб, ҳисоб рақамим очилган «DAVR BANK» ХАТБ га мурожаат қилдим. Лойиҳам қисқа вақт ичида кўриб чиқилиб, менга 25 миллион сўм кредит ажратилди.

Сармоя эвазига керакли тикиш анжомларини сотиб олдим. 5 нафар хотин-қиз учун иш жойи яратилди.

Маҳсулотларимиз харидоргир. Сабаби, улар мижозларимиз талаб ва истакларига мослаб ишлаб чиқарилмоқда.

Банк кредитидан самарали фойдаланиш юксалишга олиб келишини ўз тажрибамдан кўрдим. «Интилганга толе ёр», деб бежиз айтишмаган экан. Банклар билан тадбиркорлар ҳамкорлиги халқимизнинг фаровонлигига хизмат қилаётганидан жуда хурсандман.

Гайрат АҲМЕДОВ, «Golden oil grand» МЧЖ раҳбари:

— Ўз ишини муваффақиятли йўлга қўяман, деган тадбиркор доимо изланишда бўлиши зарур. Бунда бозорни мунтазам кузатиб, талабга яраша таклиф билан чиқиш, маҳсулот сифати, айниқса, унинг рақобатбардошлигига эътибор қаратиш талаб этилади. Корхонамиз фаолият бошлагандан буён охирги бир йил мобайнида масаланинг айни жиҳатларини устувор тутишга интилдик ва чиқараётган маҳсулотимиз ички бозорда ўз ўрнига эга бўлди. Бироқ, бу соҳада бир жойда тўхтаб туриш, аниқроқ айтганда, хотиржам бўлиш ярамаслигини тушуниб етдик. Чунки бизга ўхшаш сариёғ ишлаб чиқариш билан шуғулланаётган корхоналар кўп. Табиийки, улар ўртасидаги рақобат ҳам шунга яраша. Ҳаракатни озгина сусайтирдингизми, орқада қолишингиз, пировардида, бозордаги ўрнингизни бой беришингиз ҳеч гап эмас. Шунинг учун бизни асосан ускуналарни янгилаш масаласи ўйлантирарди. Мутахассислар билан кенгашиб, бизнес лойиҳа тайёрладик. Унинг молиявий таъминотига ўзимиз мижоз бўлган «DAVR BANK» ХАТБ узоқ муддатли имтиёзли кредит ажратди.

Маблағ масаласи ҳал бўлгандан кейин ишнинг юришиши осон кечар экан. Лойиҳа ижроси жараёнида юзага келган қўшимча 10 та янги иш ўрнига ғайратли йигит-қизларни, асосан касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини танлов асосида саралаб олдик.

Энди янада астойдил меҳнат қилиб, юқори истеъмол маҳсулотларини ишлаб чиқариш жамоамизнинг бош шиорига айланган. Бундан кейин ҳам «DAVR BANK» ХАТБ билан яқин ҳамкорликда янги истиқболли лойиҳаларни рўёбга чиқариш ниятидамиз.

Банк матбуот хизмати.
Хизматлар лицензияланган.

ЖОРИЙ ЙИЛ БОШИДАН БУЁН 462,5 МИНГТА ЯНГИ ИШ ЎРИНЛАРИ ТАШКИЛ ЭТИЛДИ. УЛАРНИНГ 276,7 МИНГТАСИ ЁКИ 59,8 ФОИЗИ ҚИШЛОҚ ЖОЙЛАРДАДИР.

БАРКАМОЛ АВЛОД

■ Мамлакатимиздаги барча болалар оромгоҳларида фарзандларимиз кўнгилли ҳордиқ чиқариши учун ҳар қочонгидан яхши шарт-шароит яратилган.

ТОҒ БАҒРИДАГИ ОРОМГОҲ

ЎзА сурати.

Самарқанд вилояти Нуробод туманидаги Сазағон қишлоғининг юқори қисмида, тоғлар бағрида жойлашган «Қўшчинор» болалар дам олиш оромгоҳига кўтарилиб бораркансиз, табиат ҳам ўзгара бошлайди. Булоқлардан қайнаб чиққан зилол сув ўзанидан тошиб кетар даражада пишқириб оқади, айрим жойларда тоғ балиқлари ғужғон ўйнайди.

Қалин дов-дарахтлар оромгоҳга соя-салқин бериб туради.

Ўтган асрнинг саксонинчи йилларида ташкил топган бу оромгоҳ мустақиллик даврида ўзининг янги қиёфасига эга бўлди. Бинолар, павильонлар замонавий услубда қайтадан қурилди. Ётоқхона, ошхона жиҳозлари ва бошқа зарур асбоб-анжомлар янгиланди.

— Мустақиллик оромгоҳга янгича ҳаёт бағишлади, — дейди **Нуробод туман халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими мудири Умр Сапаров.** — Болалар кўнгилдагидек дам олиши учун ҳаракат қиляпмиз. Ранг-баранг тадбирлар, спорт мусобақалари ҳар куни ўтказилиб турилади. Тайёрланаётган тотли таомлар, кутубхонанинг адабиётларга бойлиги, бассейн, спорт майдончалари, ётоқхонадаги шароитлар, хуллас ҳаммаси ҳавас қиларли даражада.

Оромгоҳда болалар уч босқичда дам олишади. Масалан, ҳозирги босқичда 80 нафар ўқувчи бичиш-тикиш, мунчоқли безак, тўқиш, компьютер графикаси ва дизайни сингари ўнга яқин тўгаракларда ўз қизиқиши бўйича иштирок этмоқда. Бу эса болаларнинг кўнгилли дам олиши ва ҳунар ўрганишига хизмат қилмоқда.

Абдурасул САТТОРОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

■ ЭЪЛОН

Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма беш йиллик байрами муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди

«МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА РЕСПУБЛИКА ҲАЁТИНИНГ ТУРЛИ СОҲАЛАРИДА ЭРИШИЛГАН ЮТУҚЛАР ҲАҚИДА КЕНГ ЖАМОАТЧИЛИКНИ ХАБАРДОР ҚИЛИШГА ҚАРАТИЛГАН ЛОЙИҲАЛАРНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ» МАВЗУСИДА

ННТлар ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг ижтимоий аҳамиятга молик лойиҳаларига Давлат грантлари ажратиш учун ҳужжатлар қабул қилиш бошланганини ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Қуйидаги йўналишларни назарда тутувчи ижтимоий аҳамиятга молик лойиҳалар қабул қилинади:

1. «Гўзал ва бетакроримсан, муқаддас Ватаним, жоним сенга фидо, Ўзбекистоним!» деган бош ғояни ўзида мужассам этган амалий, маданий-маърифий ва ахборот-тушунтириш тадбирларини ташкил этиш;

2. Ўзбекистон халқига миллий давлатчилик ва онгни, анъаналар ва урф-одатларни тиклаш, буюк сиймоларнинг номларини шарафлаш, соғлом ва баркамол янги авлодни шакллантириш бўйича чексиз имкониятлар тақдим этган мустақилликнинг аҳамиятини очиб берадиган махсус теледастурлар, мақолалар тайёрлаш;

3. Ўзбекистонда тинчлик ва осойишталиқни сақлаш, миллатлараро ва фуқаролар тотувлигини мустаҳкамлаш, мамлакатимизда яшаб келаётган турли миллат ва элатларнинг миллий анъаналари, урф-одатлари ва удумларини сақлаш ва ривожлантириш бўйича амалга оширилаётган изчил чора-тадбирлар ҳақида кенг жамоатчиликни хабардор қилиш;

4. Тараққиёт йўлининг бешта тамойилига асосланган ва халқаро ҳамжамият томонидан эътироф этилган «ўзбек модели»нинг мазмун-моҳиятини очиб беришга бағишланган таҳлилий материаллар туркумини чоп этиш;

5. Ўзбекистонда юритилаётган кучли ижтимоий сиёсатнинг ҳаётга татбиқ этилишини аниқ мисолларда кўрсатиб берадиган маълумотни кенг жамоатчиликка етказиш;

6. Ўзбекистон ташқи ва ички сиёсатининг асосий жиҳатлари, олиб борилаётган сиёсий-ҳуқуқий ва ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларнинг натижаларини акс эттирувчи холисона ва ишончли ахборотни инглиз ва бошқа чет тилларида тарқатиш мақсадида ихтисослашган сайтларни ишлаб чиқиш ва Интернет тармоғида жойлаштириш;

7. Турли тилларда Ўзбекистон тарихи, маданияти ва санъати, етук шахслари, мустақиллик йилларида жамият ҳаётининг турли соҳаларида республика эришган ютуқлар ҳақидаги маълумотларни тайёрлаш ва Интернет тармоғидаги ихтисослашган энциклопедик манбаларда жойлаштириш;

8. Хорижий аудитория орасида Ўзбекистон халқлари номоддий маданий мероси (халқ бадиий ҳунармандчилиги ва амалий санъати, фольклор ёдгорликлари, миллий байрамлар, фестивалллар, миллий ошхона ва бошқалар)ни оммалаштириш;

9. Интернет тармоғида Ўзбекистон халқларининг бой тарихий-маданий меросини акс эттирадиган ноёб экспонатларга оид ахборот материалларини тарқатиш;

10. Ўзбекистон халқининг тарихи ва маданиятини оммалаштириш, унинг тарихий-маданий меросига, табиатининг гўзаллиги ва хилма-хиллигига жалб қилишга қаратилган фото танловларни ташкил этиш ва ўтказиш.

Давлат гранти ажратилиши учун қуйидаги ҳужжатларни тақдим этиш зарур:

1. ННТ ва фуқаролик жамияти бошқа институтининг раҳбари томонидан имзоланган ва муҳр билан тасдиқланган кузатув хати;

2. Давлат гранти лойиҳаси учун www.fundngo.uz сайтида жойлаштирилган шаклда тўлдирилган ариза;

3. Охирги ўзгартиш ва қўшимчалар билан давлат рўйхатидан ўтказилган Устав (Низом) нусхаси;

4. Ташкилотнинг давлат рўйхатидан ўтказилганлигини тасдиқловчи гувоҳнома нусхаси;

5. Агар лойиҳани амалга ошириш лицензияланадиган фаолиятни талаб қилса, лицензиянинг нусхаси.

6. Манфаатдор давлат ва жамоат ташкилотларининг тавсияномалари, илтимосномалари илова қилиниши мумкин.

Битта лойиҳа учун ажратиладиган грант суммаси миқдори — 25 миллион сўмгача.

Ҳужжатлар 2016 йил 25 июндан 25 июлгача қабул қилинади.

Ҳужжатлар **«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги ННТларни ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди»** номига «Ўзбекистон почтаси» орқали юбориладиган муҳрланган конвертларда (А4 форматда) қуйидаги манзил бўйича қабул қилинади: 100035, Тошкент шаҳри, Бунёдкор кўчаси, 1-уй.

Ҳужжатларни тақдим этиш шартлари ва ҳужжатлар намуналари билан Жамоат фондининг **www.fundngo.uz** расмий вебсайтида танишиш мумкин.

Маълумот учун телефонлар: (0-371) 239-26-76, 239-26-64.

■ МИЛЛИЙ МАТБУОТ МАРКАЗИДА

Маданият ва спорт ишлари вазирлиги томонидан маданий-маънавий тадбирлар сифатини янада яхшилаш ва жонли ижрода концертлар ташкил этилишини рағбатлантириш мавзусида матбуот анжумани ўтказилди.

ҚЎШИҚЧИЛИК ВА ЁШЛАР ТАРБИЯСИ

Унда маданият ва спорт ишлари вазири ўринбосари Фарҳод Жўраев ва мутасадди муассасалар вакиллари бу борада амалга оширилаётган ишлар ҳақида атрофлича маълумот бердилар.

Тадбирда қўшиқчилик санъатининг маънавий ҳаётимиздаги ўрни ва концерт дастурларининг жонли ижрода ўтказилишини таъминлаш масалалари, енгил-елпи қўшиқларнинг ёшлар тарбиясига салбий таъсири ҳақида таҳлилий фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Анжуман якунида журналистлар ўзларини қизиқтирган саволларга атрофлича жавоб олдилар.

Мунира РАҲИМОВА,
ЎзМУ талабаси.

■ АБИТУРИЕНТ — 2016

ТАЛАБАЛИК ИШТИЁҚИДА

Шу кунларда Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия институти мамлакатимизнинг турли ҳудудларидан келган ёшлар ва уларнинг ота-оналари билан гавжум.

Санжар ШОТЎЛАГАНОВ олган сурат.

— Янги ўқув йилида институтимизга давлат қабул режасига кўра, 970 нафар талаба бакалавр йўналишига ўқишга қабул қилинади, — дейди **қабул ҳайъати масъул котиби Комилжон Ярашев.** — Шулардан 800 нафари давлат гранти ва 670 нафари тўлов-шартнома асосида таҳсил олиши режалаштирилган. Эътиборли жиҳати, хотин-қизлар спорти йўналиши учун 260 ўрин ажратилган. Шунингдек, магистратура босқичида 25 нафар ёш мутахассис таҳсилни давом эттиради.

Мазкур олий ўқув юртида 24 спорт тури бўйича учта таълим йўналишига ҳозиргача икки минг саккиз юздан зиёд абитуриентдан ҳужжатлар қабул қилинди. Бу ўтган йилгига нисбатан икки баравар кўп деганидир. Абитуриентлар давлат тест синовларидан ташқари, ўзлари танлаган спорт турлари бўйича ижодий имтиҳонлар топширишади.

Мамлакат чемпиони, Осиё, жаҳон чемпионатлари ғолиби ва совриндорлари бўлган юз нафардан зиёд йигит-қиз давлат тест синовлари ва ижодий имтиҳонларисиз ўқишга имтиёзли қабул қилинадилар.

Эркин ХОЛБОБО,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

■ РЕКЛАМА ЎРНИДА

Qishloq Qurilish Bank

ЗАМОНАВИЙ БАНК ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ: ҚУЛАЙ ВА ТЕЗКОР ХИЗМАТЛАР

АТБ «Қишлоқ қурилиш банк» томонидан пластик карточкалар воситасида нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тизимини янада кенгайтириш борасида бир қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Бугунги кунда муомаладаги банк пластик карточкаларининг умумий сони **545 000 тадан ошди.** Аҳолига савдо ва пулдик хизмат кўрсатиш объектларида ўрнатилган терминаллар сони 10200 дан ортиқни ташкил этмоқда.

Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида банк филиалларига қўшимча **58 000 дона** пластик карточка ва **1700 дона** терминал етказиб берилди.

Банк пластик карточкалари орқали хизмат сифатини ошириш, туну кун хизмат кўрсатишни ташкил этиш мақсадида инфокиосклар тармоғи фаолияти ҳам йўлга қўйилмоқда. Ушбу тармоқни кенгайтириш, инфокиосклар сонини ошириш ҳамда улар орқали тўлов турларини кенгайтириш борасида амалий ишлар олиб борилмоқда. Жумладан, қўшимча **4 дона банкомат ва 65 дона инфокиоск** янги ташкил этилган «ягона дарча» ҳудудларида, аҳоли гавжум жойлар, бозор ҳудудлари, йирик савдо комплекслари, кўнгилочар масканларга жойлаштирилди. Жорий йилда яна **100 дона инфокиоск** сотиб олиниши режалаштирилган. Мазкур инфокиосклар ва коммунал тўловлар, уяли алоқа операторлари, интернет провайдерлар ва бошқа хизматлар учун тўловларни амалга ошириш имконияти мавжуд.

Шунингдек, банк мижозларига **инфокиосклар орқали** жорий йил 1 мартидан бошлаб **жисмоний шахслар томонидан олинган кредитларнинг асосий қарз ва уларга ҳисобланган фоиз тўловларини 24/7 режимида қабул қилиш хизматлари жорий қилинди.** Қолаверса, ушбу қурилма орқали бир нечта хизмат кўрсатувчи корхона ташкилотлар учун тўловларни амалга ошириш имконияти ҳам яратилди.

Бугунги кунда банкнинг **«UZKART-EMV»** тўлов тизимидаги фаолиятини янада такомиллаштириш, терминаллар тармоғини кенгайтириш, «online» режимида ишловчи «Smart-vista» карточкаларининг муомалага киритилишини жадаллаштириш, улар орқали хизмат кўрсатиш сифатини ошириш мақсадида доимий иш олиб борилмоқда. Жумладан, банк пластик карточкалари эгалари, яъни **16452 нафар фуқаро «SMS-banking», 2300 нафар фуқаро «Internet-banking» ва 184 та юридик ва жисмоний шахслар «Мобил-банкинг»** каби хизматлардан фойдаланиб келмоқда.

Яқинда банк мижозларига қўшимча **«P2P-тўловлар» (Payme) хизмати жорий қилинди. «P2P» — бу бир жисмоний шахснинг пластик карточкасидан иккинчи бир шахснинг пластик карточкасига махсус сайтлар, мобил иловалар орқали маблағларни ўтказиш тизими ҳисобланади.** Бу тизим жисмоний шахсларга ўз пластик карточкаларидан куннинг исталган вақтида бошқа жисмоний шахс пластик карточкасига пул ўтказиш имконини беради.

Банк томонидан Молия вазирлиги ғазначилиги билан ҳамкорликда бюджет ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловларини пластик карточкаларга ўтказишда **«УзАСБО» дастури** ёрдамида «электрон қайднома» тизими ҳам тўлиқ йўлга қўйилди. Ушбу ишларнинг давоми сифатида Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг **«Пенсия» дастурий мажмуаси** ва банкнинг ИАБС дастури ўртасида электрон маълумотлар айирбошлаш механизмига асосан пенсия тўловларини пластик карточкаларга ўтказиш автоматлаштирилди.

АТБ «Қишлоқ қурилиш банк» томонидан халқаро тўлов тизимлари билан ҳам ҳамкорликда иш олиб борилмоқда. Банк ўз мижозларига **«VISA classic»** халқаро тўлов карталарини тақдим этмоқда. **«VISA classic»** халқаро тўлов карталари дунёнинг барча мамлакатларида тўловларни амалга ошириш имконини беради.

Пластик карта эгалари учун яратилган қулайликлардан яна бири сифатида шуни қайд этиш лозимки, банк тизимида 2016 йил 1 мартдан бошлаб жисмоний шахсларнинг пластик карточка ҳисобварағидаги қолдиқ маблағларига йиллик **Марказий банкнинг қайта молиялаш ставкаси миқдорида (9 фоиз) устама** ҳисоблаб борилмоқда.

Пластик карта эгаларига яратилган қулайликлардан яна бири, банк эмитентидан, яъни қайси банкка тегишлилигидан қатъи назар, жисмоний шахснинг пластик карточкасидаги маблағлар бошқа бир жисмоний шахс пластик карточкасига ўтказилганда ёки кирим қилинганда **банк хизмати ҳақи ундирилмайди.**

Мухтасар айтганда, АТБ «Қишлоқ қурилиш банк» аҳолининг бўш пул маблағларини банк айланмасига кўпроқ жалб қилиш билан бирга, мижозларнинг ишончини янада мустаҳкамлаш ҳамда замонавий банк технологияларига асосланган янги хизмат турларини жорий қилиш ишларини келгусида ҳам изчил давом эттиради.

Банк ахборот хизмати.
Хизматлар лицензияланган.

MUASSIS: O‘ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

Bosh muharrir: Safar OSTONOV

TAHRIR HAY’ATI:
Abdulla ORIPOV, Hotamjon KETMONOV, Ulug‘bek VAFOYEV, Rustam KAMILOV, Saidkamol XODJAYEV, Muslihiddin MUHIDDINOV, Ochilboy RAMATOV, Saidahmad RAHIMOV, Farrux HAMROYEV (Bosh muharrir birinchi o‘rinbosari), Tat’yana KISTANOVA (Bosh muharrir o‘rinbosari)

Qabulxona — 233-65-45
Xatlar va murojaatlar uchun — 233-12-56
E-mail: info@uzbekistonovozi.uz

MANZILIMIZ: 100000, Toshkent, Matbuotchilar ko‘chasi, 32-uy.

Gazeta O‘zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro‘yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko‘chasi, 41-uy.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi — 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.
«O‘zbekiston ovozi» materiallarini ko‘chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 759
9052 nusxada bosildi.
Nashr ko‘rsatkichi — 220
t — Tijorat materiallari
O‘zA yakuni — 21:40
Topshirilgan vaqti — 23:55

Sotuvda kelishilgan narxda

Navbatchi: Nurullo OSTONOV
Sahifalovchi-dasturchilar: Zafar BAKIROV, Behzod ABDUNAZAROV

ISSN 2010-7633

1 2 3 4 5